O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 20 январь, № 13 (4928) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Э. О. Турдимовни Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Б. Т. Юсуповни Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Баҳодир Турсунович Юсупов** Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ҳ. Х. Нематовни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ҳамиджон Холиқович Нематов** Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## О. Ҳ. Оллабергановни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Оллаберган Ҳаитбоевич Оллаберганов** Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## А. Ҳ. Тўхтаевни Тошкент шаҳрининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев** Тошкент шаҳрининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

**2010 йил — Баркамол авлод йили**



Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

# ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА ИМКОНИЯТ

**Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.**

**Мамлакатнинг ёруғ истиқболини бугунги баркамол авлодларда кўрамиз. Шу боис юртимизда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун зарур шароитлар яратиб берилаётир. Баркамол авлод йилида бу борадагиислоҳотлар давом эттирилиб, янада салмоқли натижалар қўлга киритилади, дейишга муайян асослар етарли.**

Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки йилларироданоқ таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Шу кунларда юртимиздаги бирон-бир таълим даргоҳига ташриф буюрган киши бу ерда яратилган шарт-шароитларга ҳавас қилиши, шубҳасиз. Ораста ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган дарсхоналар, зарур анжомлар билан таъминланган спорт иншоотлари кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?

Гулистон давлат университети ҳам истиқлол йилларида ҳар қачонгидан ривожланди. Ўтган даврда бу ерга 600 дан зиёд компьютер, 12 та видеопроектор ва видеоконференция жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди. Шундан сўнг ҳар бир кафедра ва факультетда компьютер ва мультимедия хоналари ташкил этилди. Бундан ташқари, университет қошида иш бошлаган Ахборот-ресурс маркази бадиий ва илмий-техникавий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Ушбу марказда адабиётларнинг электрон нусхасини олиш имконияти яратилган. Табиийки, мазкур қулайлик ва имкониятлар талаба ва ўқитувчилар ишини осонлаштириб, таълим сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

**давлатимиз томонидан изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир**

Ислоҳот

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг турмуш даражасини ошириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўтган йилда республикамизда 940,5 мингта янги иш жойи яратилгани шундан далолат беради. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис тизими, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, касаначилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2010 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2010 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь

***Вояга етмаганлар ишлари бўйича Хоразм вилояти комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, ўқув муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.***

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ёшлар билан ишлаш, вояга етмаганларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши, уларда Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, йигит-қизларимизни жиноий гуруҳлар, зарарли оқимлар ва ғаразли ғоялар таъсиридан асраш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда ҳар бир туманда Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Жойларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Хоразм вилоятида мазкур ҳужжат ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиши учун спортга кенг жалб этиш, таълим муассасалари қошида

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***«Маҳалла» жамғармаси:***

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

***Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2009 йил якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган ишларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мазкур жамғарма раиси А. Аҳмедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизни модернизациялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилларини ҳаётга янада кенг татбиқ этиш, бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритаётир. Бу тузилмалар аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, оилаларда тинчлик-тотувликни сақлаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш,

(Давоми 2-бетда).

## Йўллар равон, манзил яқин бўлади

***БУХОРО. "Самарқанд — Ашхобод" йўналишидаги халқаро автомобиль йўлининг Қоракўл ва Олот туманларидан ўтган қисми жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилинмоқда.***

Ушбу йўлнинг беш километри "Бухоро — Навоий" халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси томонидан таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 6,7 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Йўлсозлар жорий йилда 26,4 миллиард сўмлик лойиҳани амалга ошириб, магистралнинг ўн километрини таъмирдан чиқаришни режалаштиришмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Илғор технология шарофати

***НАВОИЙ. Нурота туманидаги "Умрбек" фермер хўжалиги раҳбари У. Нарзуллаев мевани қайта ишлаш ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

Бунинг учун хориж технологияси олиб келиб, ўрнатилди. Ҳозир бу ерда ўн хилдан ортиқ мураббо, шарбат ҳамда саккиз турдаги макаронлар ишлаб чиқарилмоқда.

21 кишилик жамоа қисқа вақт ичида ички бозорга 300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги матбаа корхонаси

***САМАРҚАНД шаҳрида замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланган "Ношир-люкс" хусусий корхонаси иш бошлади.***

Корхона соатига 30 минг босма табоқ ҳажмида газета ва журналларни чоп этиш қувватига эга. Эътиборли томони шуки, хусусий корхонага 20 киши ишга жалб этилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

***2010 йилнинг давлат бюджетида тиббиёт соҳаси ривожи учун***

**1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган.**

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом авлодни камол топтириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш ниятида ана шундай ғамхўрлик кўзда тутилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шу янги иш ўринлари, аввало, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини ишга тушириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, ишсиз аҳолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, ишга жойлашишга муҳтож шахслар билан алоҳида аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш, иш берувчиларнинг меҳнат Шунингдек, ишсиз фуқароларни меҳнат бозорида талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари олиб борилди.

Янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш борасида вазирлик ва унинг ни ривожлантириш устуворликларини, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишини ҳамда меҳнат бозоридаги вазият ва 2010 йилда иш билан таъминлаш эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чи-

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

## давлатимиз томонидан изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишларидаги ишлар кўламини кенгайтириш ҳисобига яратилди.

Янги иш жойларининг маълум қисми “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни очиш ҳамда тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича бажарилган ишлар натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шу билан бирга, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш юзасидан кўрилган аниқ чора-тадбирлар ҳам аҳоли бандлигининг ўсишида муҳим омил бўлди. 2009 йил мобайнида туман (шаҳар) бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат этган 658,2 минг нафар аҳолидан 566,3 минги ишга жойлаштирилгани бунинг тасдиғидир.

Бўш иш ўринлари ярмаркаларининг мунтазам равишда ўтказилиши ҳам фуқароларни иш билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, ўтган даврда ташкил этилган 1236 та ана шундай ярмаркада 42 мингдан ортиқроқ иш берувчилар ва 322 мингдан ортиқ иш қидирувчи шахслар (2008 йилдагига нисбатан 1,8 марта кўп) иштирок этишди. Уларнинг 182 минг нафаридан ортиғи ишга йўлланма олди.

маҳаллий органлари олдида турган вазифалар кам эмас. Биринчи галда, 2010 йилда аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш дастурида белгиланган асосий йўналишлар ва параметрларни тўлиқ бажариш — устувор вазифалардир.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган, дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариб, ишсизлар сонининг ортиши кескин ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётган бир пайтда 2010 йилда аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш дастурининг ишлаб чиқилиши ҳамда унинг асосий йўналишлари ва параметрлари ҳукумат даражасида тасдиқланиши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 сентябрдаги фармойишига мувофиқ, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар-қилган. Унинг лойиҳасига кўра, 2010 йилда жами 950,1 мингта ёки ўтган йилги режага нисбатан 18 мингта кўп янги иш жойи яратилади.

Шундан 56,3 мингтаси инвестиция, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик қайта қуроллантириш дастурлари ҳисобига, 476,6 мингтаси кичик корхоналарни очиш, микрофирмалар ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига вужудга келади. Азалдан миллий ҳунармандчилик маркази ҳисобланган Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Шаҳрихон, Ғиждувон, Чуст, Ургут, Риштон каби туман ва шаҳарларда ҳамда бошқа ҳудудларда эса касаначиларни “Уста-шогирд” усулида ўқитиш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш йўли билан уй меҳнатига асосланган иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидлаш керакки, жами яратиладиган янги иш ўринларидан 240,1 мингтаси аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларига тўғри келса, 107,3 мингтаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, 81,4 мингтаси Сирдарё ва Жиззах вилоятларида, 165,9 мингтаси пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳрида, 92 мингдан ортиқроғи Самарқанд вилоятида, 113,3 мингтаси Бухоро ва Навоий вилоятларида барпо этилади.

2010 йилда, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш дастурининг тасдиқланган параметрлари ижросини таъминлаш мақсадида мониторинг ташкил қилиниб, ҳар ойда туманлар, шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ объектлар бўйича бажарилиши кўриб борилаётир. Шунга биноан, иш ўринларини яратишда қабул қилинган параметрлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва туман (шаҳар)лар аниқланган ҳолда, уларда юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбир белгиланади. Буларнинг бари, ўз навбатида, аҳоли бандлиги даражасини янада ошириш, унинг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

**Ш. КУДБИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари.**

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2009 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасалари, сервис хизмати тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.***

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Дарҳақиқат, мазкур соҳада ўзгаришлар кўп ва улар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини яхшилаш, реал даромадларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятини оладиган бўлсак, бугунги кунда бу ерда Самарқанд автомобиль корхонасида ишлаб чиқарилаётган “Исузу” автобусларидан 86 таси қишлоқ жойлардаги фуқароларга турли йўналишлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Ҳудудда йўловчи ташишга ихтисослаштирилган янги ташкилот ва корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобидан эса қарийб 311 та иш ўрни яратилди.

**Қарор ва ижро**

Вилоятда, шунингдек, сайёҳлик хизматини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Қизилқум бағридаги “Ҳайдаркўл” табиий сув ҳавзаси атрофида жойлашган иккита сайёҳлик базасининг ҳар бирида бир йўла юз нафар хорижлик меҳмонга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, Зарафшон шаҳрида вилоят саёҳат ва экскурсиялар бюросининг филиали очилиб, битта “Миллий уй” ва тўртта меҳмонхона ишга туширилгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, олис юртлардан келган сайёҳларга хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш мақсадида Конимех туманидаги “Сарибел” наслчилик хўжалигида миллий кийимлар тикадиган янги цех, Томди туманидаги “Оёққудуқ” ширкат хўжалигида ўтов жиҳозлари ҳамда безакларини тайёрлайдиган кичик корхона фойдаланишга топширилди.

Эътиборлиси, ана шу хайрли ишларнинг шарофати туфайли якунланган йилда хорижий давлатлардан беш мингдан зиёд сайёҳлар вилоятга ташриф буюрган бўлса, тўрт юз мингдан зиёд юртдошларимиз эса ҳудуддаги тарихий-меъморий обидаларни зиёрат қилдилар. Айни кунларда Кармана туманидаги “Сардоба”, Нурота туманидаги “Чашма” мажмуаларини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги “2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳам вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили 692 та хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати объекти барпо этилди. Бунинг учун 5413,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 1415 та янги иш ўрни очилди.

Учқудуқ туманидаги “Давлатбек Шокир” хусусий корхонаси раҳбари Шокир Эшматов эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Учқудуқ филиалидан олган 90 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига Россиянинг минитехнологиялари асосида “Қизилқум” маъданли сувини қадоқлашни йўлга қўйди.

— Биз, — дейди Навоий шаҳридаги “Муслима зиё” хусусий корхонаси раҳбари Шоира Ражабова, — тикувчилик, қандолатчилик ва элита пардалари тайёрлаш баробарида ҳар ойда 30-40 нафар қизга ҳунар ўргатмоқдамиз. Йирик корхоналар ҳамда коллежларнинг буюртмалари бўйича бичиш-тикиш ишларини ҳам бажараяпмиз. Тез орада янги “Модалар уйи”ни қуриб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада кенгайтирмоқчимиз.

Кўриниб турибдики, истиқлол берган имкониятлар ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштиришнинг истиқболли йўлларини очиб бермоқда. Фаолият юритаётган шохобчалар ва муассасалар эса аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳудудларни ободонлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлмоқда.

Аҳолининг кам таъминланган қисми, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Маҳаллаларимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқаролар-

## *«Маҳалла» жамғармаси:* САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

нинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник салоҳиятини ошириш, ушбу жабҳада иш олиб бораётган мутахассислар ҳамда маҳалла фаолларининг малака ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Ана шу йўналишда бажарилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили қишлоқ жойлардаги бир ярим мингдан зиёд фуқаролар йиғинлари замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланди. Мутахассислар ва маҳалла фаолларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, ижобий тажрибаларни оммалаштириш мақсадида жойларда кўплаб ўқув-семинарлар ташкил этилди. «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» ва «Энг фаол яраштирув комиссияси» танловлари юқори савияда ўтказилди.

Улғайиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, уларни қадимий анъана ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларнинг тарихга оид билими ва дунёқарашини бойитиш маҳаллалар фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифаларни ҳал этишда «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» сингари кўрик-танлов ва мусобақалар муҳим ўрин тутади.

2010 йилнинг юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллаларнинг ёшлар камолотидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тадбирда маҳаллаларда, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, яраштириш ва ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни салбий иллатлар таъсиридан асраш, жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида маҳаллаларнинг иштирокини кенгайтириш, бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# КАТТА ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

## Наманган туманидаги Хонобод қишлоғида 27 та замонавий тураржой қуриб битказилди.

***Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.***

**Озод юртнинг обод уйлари**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Наманган туманининг Хонобод қишлоғида, Тошкент — Андижон автомагистрали ёқасида йигирма еттита бир ва икки қаватли замонавий уйлар қуриб битказилди. Қишлоқ шароити, миллий қадриятларимиз эътиборга олиниб лойиҳалаштирилган шинам тураржойларга харидорларнинг кўплиги қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолат бермоқда.

— Қишлоқларимизнинг бош режаларини қайта кўриб чиқиш, тураржойларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш ва улар асосида замонавий уйлар қуриш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда, — дейди Наманган вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Неъматжон Жўрабоев. — Ана шу мақсадда вилоятнинг 11 тумани ҳудудидан 67 гектар ер майдони ажратилди.

2009 йилда қурилиши бошланган 87 та уй учун аҳолидан 150 дан ортиқ буюртма тушган эди. Ана шу уйлардан 27 таси фойдаланишга топширилди, қолганларида сўнгги пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Ҳозир Наманган туманининг шимолий айланма йўл бўйида жойлашган қишлоқларида, Косонсой туманининг Қуқумбой, Булоқ, Поп туманининг Санг, Учқўрғон туманининг Янгиер қишлоқларида замонавий тураржойлар барпо этилмоқда. Ушбу замонавий уй-жойларда қишлоқ оилаларининг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Улар катталар ва болалар учун алоҳида ётоқхона, ҳаммом, ошхона ва бошқа ёрдамчи хўжалик биноларини ўз ичига олади.

— 2009 йилда “Қишлоққурилишбанк” томонидан уй-жойлар қурилиши учун икки миллиард 289 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди банкнинг Наманган вилояти филиали кредит бўлими бош мутахассиси Жаҳонгир Жўрабоев.

— 2010 йилда 350 киши ана шундай уй-жойларни сотиб олиш истагини билдирган. Уларга 18 миллиард сўмликдан зиёд кредит ажратиш мўлжалланмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўгаракларни кўпайтириш, ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Бироқ Қўшкўпир, Ҳазорасп, Хива, Урганч, Янгибозор ва Янгиариқ туманларида вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш ҳоллари ҳамон кузатилаётгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни, фуқаролар йиғинларида ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпинча ота-она ва педагоглар эътиборидан четда қолаётган ўсмир-ёшлар турли ҳуқуқбузарликларга қўл урмоқда.

Сўнгги вақтларда уяли телефондан, интернетдан фойдаланиш маданияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинмоқда. Лекин айрим ўқув муассасаларида бу масалага етарли даражада эътибор берилмаяпти. Дарс жараёнида телефон қўнғироғига нафақат ўқувчи-ёшлар, балки педагогларнинг ўзлари ҳам жавоб бериб, ўқув-тарбия ишларига панжа орасидан қараётганини қандай баҳолаш мумкин?!

Йиғилишда шулар хусусида атрофлича сўз юритилиб, бу каби камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, фуқаролар йиғинлари масъулиятини янада ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Хоразм вилояти ҳокими О. Оллаберганов сўзга чиқди.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ФЕРМЕРЛАРНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

***Шерободлик Жўраниёз Тошпўлатов узоқни кўзлаб иш кўрадиган тадбиркорлардан ҳисобланади. У олий маълумотли чорва мутахассиси, кўп йиллар қоракўлчиликка ихтисослашган йирик жамоа хўжалигида меҳнат қилди. Истиқболни кўзлаб, ишлашга интилди. Лекин биров ипни тоққа тортса, яна биров боққа тортдики, ҳаракатларидан ўзи истаган баракат инмади.***

Истиқлол илҳом бериб, бундан 16 йил аввал у ўзининг иш йўриғини бошқа ўзанга бурди — мол, ер, техника олди. Фарзандларини қаватига тортди. Фермер бўлди. Билими, тажрибаси юмушларига таянч бўлди.

“Тошпўлатов Жўраниёз” деб аталган фермер хўжалигининг бугун 200 дан ортиқ қорамоли, яна шунча қўй-эчкиси бор. Хўжалик фақат туёқ санаб ўтиргани йўқ. Бундан тўрт йил олдин Польшадан наслдор сигирлар харид қилди. Сутни қайта ишлаш технологиясини ишга туширди. Янги иш ўринлари яратди.

Шу тариқа у тоғдаги Пошхурт қишлоғининг пешқадам тадбиркорига айланди. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозир фермер хўжалиги атрофидаги неча ўн минг гектарлаб яйловларни эгаллаб турган чорвачилик ширкатларидан кўра самаралироқ иш олиб бораётир.

**Ибрат**

Президентимизнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бошқалар қатори бу фермернинг ҳам оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Ем оламан десанг — дўкон ёнингда. Зооветеринария хизмати бизда у ё бу жиҳоз йўқ ёки дори-дармонимиз кам демайди. Сунъий уруғлантириш, бошқа профилактик ишлар тартибга келтирилди.

— Қарор туманимизда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириб юборди, — дейди туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи Рустам Қурбонов. — Яқин-яқингача ўзи қишлоқда яшагани билан сут ва гўштни шаҳар дўконларидан оладиган хонадонлар кўп эди. Ҳозир-чи?! Тумандаги мавжуд 25 мингдан ошиқ хонадонларнинг ҳаммасида соғин сигир бор. Қарордан сўнг биз пунктларимизни икки бараварга кўпайтирдик. Ҳаммасини замонавий жиҳозлар билан таъминладик. Туманимизда бир йилнинг ўзида чорва туёқ сони 15 фоизга ошди. Сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Буни ютуқларимизнинг бошланиши деб биламиз.

Туманда чигитни қайта ишлайдиган “Агрохизмат Шингдонг” қўшма корхонасининг очилгани нур устига аъло нур бўлганини таъкидлаш жоиз. Чорвадор энди шрот, шелуха излаб сарсон бўлмайди. Қўшма корхонада тайёрланган ем жойлардаги дўконлардан аҳолига, фермер хўжаликларига арзон нархларда сотилмоқда.

Туманда ҳозир чорвачиликка ихтисослашган 127 та фермер хўжалиги бор. Тармоқдаги қорамоллар 3000 бошга, қўй-эчкилар эса 12 минг бошга етказилди. Банкдан имтиёзли кредит олиш ҳисобига “Ўрол чорва Файз”, “Холмўмин ўғли Беҳзод” сингари ўнлаб фермер хўжаликлари чорвасини зотдор моллар билан тўлдирдилар. Гўшт ва сутни қайта ишлаш технологияларини ўрнатиб, бозорда ўз расталарини очиш тараддудини кўрмоқдалар. Чўйинчи қишлоғидан Абдураззоқ Раҳмонов балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этган бўлса, яна 4 та фермер хўжалиги фаолиятларини асаларичилик соҳаси билан кенгайтирди.

— Мутахассисларимиз ҳудудларда, хонадонларда бўлиб, ўқув-семинар машғулотларини ўтказишаяпти, — дейди Рустам Қурбонов. — Мақсад, ишни илмий асосда олиб бориш. Машғулотлар балиқчи, асаларичиларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Ҳа, чорвачилик узоқни кўзлаб иш юритишнинг ҳадисини олганларнинг юмуши. Бу ишни уддалаганларнинг қадамидан барака ёғилади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ КЎПАЯДИ

***Ўтган йилнинг октябрь ойида иш бошлаган “Қорақалпоқ Верми” шўъба корхонасида вермикулит маъданли хом ашё ишлаб чиқарилиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда. Мутахассислар ушбу маъдандан яна бир қатор соҳаларда, хусусан, чорвачилик, паррандачилик ва деҳқончиликда ҳам фойдаланиш мумкинлигини айтмоқдалар. Бу эса, корхонанинг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди.***

Маълумки, қорақалпоқ заминида ер ости бойликлари кўп. Шулардан бири — таркибида вермикулит маъдани бўлган рудадир. Бундан ўн йилча муқаддам Қораўзак тумани ҳудудида — Султон Увайс тоғи яқинида геологик тадқиқотлар олиб борган олимлар бу ерда 3 миллион тонналик руда кони мавжудлигини аниқлашади. Ўшанда мазкур руда таркибидаги вермикулит маъдани 10-14 фоизни ташкил этиши олимларнинг эътиборини тортган эди.

**Изланиш**

Ана шу тадқиқот “Қорақалпоқ Верми” корхонасини очишга туртки берди. Уни ишга тушириш мақсадида хориждан замонавий технология ва ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда ишчилар муайян тайёргарликдан ўтказилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида бу ерда йилига 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Корхона жамоаси шу кунгача 250 тонна вермикулит концентратини тайёрлаб, маҳсулотнинг бир қисмини ички бозорга, 120 тоннасини Қозоғистон ва Беларусь давлатларидаги буюртмачиларга етказиб берди. Айни пайтда Россия ва Украинадаги бир неча корхоналар билан ҳам шартномалар имзоланди.

— Ҳозирча маҳсулотимиздан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда, — дейди корхона мутахассиси К. Абзатдинов. — Аслида, бу маҳсулотдан паррандачиликда ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Агар вермикулит куйдирилган ҳолда товуққа берилса, тухум калорияси бир неча бараварга ортиши мутахассислар томонидан исботланган. Бундан ташқари, вермикулитдан иссиқхоналарда ҳам фойдаланса бўлади. Умуман олганда, бу хом ашёнинг хосияти кўп. Шу боис унга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Корхона жамоаси тез орада ишлаб чиқариш қувватини 10 минг тоннага етказмоқчи. Айни пайтда вермикулитга куйдириш йўли билан ишлов берадиган цех ташкил этилмоқда. Албатта, ушбу изланишлар “Қорақалпоқ Верми”нинг мамлакатимиздаги илғор корхоналар сафига қўшилишини таъминлаши, шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 19 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1400, 92 | 1 Исландия кронаси | 12, 21 | 1 Швейцария франки | 1479, 91 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2480, 06 | 1 Канада доллари | 1478, 76 | 1 ЕВРО | 2203, 12 |
| 1 Дания кронаси | 293, 78 | 1 Хитой юани | 222, 80 | 10 Жанубий Корея вони | 13, 50 |
| 1 БАА дирҳами | 414, 05 | 1 Малайзия ринггити | 455, 18 | 10 Япония иенаси | 167,39 |
| 1 АҚШ доллари | 1520, 76 | 1 Польша злотийси | 539, 89 | 1 Россия рубли | 51, 45 |
| 1 Миср фунти | 280, 69 | 1 СДР | 2389, 54 | 1 Украина гривнаси | 190, 04 |
| | | 1 Туркия лираси | 1047, 36 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Метро тўхтаб қолди

***Норвегия пойтахти Осло шаҳри метросида икки соат давомида ҳаракат тўхтаб қолди.***



Бу ҳақда маҳаллий "TV 2" телеканали хабар тарқатди. Бунга электр таъминотида юзага келган носозлик сабаб бўлгани айтилмоқда. Шу боис маъмурият муаммо бартараф этилгунига қадар йўловчиларни ўз манзилларига бошқа транспорт воситалари ёрдамида етиб олишларига шароит яратиб берган.

### Гаровдагилар озод қилинди

***Нигериялик жангарилар томонидан мамлакат жанубида гаровга олинган тўрт нафар чет эл фуқароси озод қилинган.***

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари босқинчилар қўлига тушиб қолганлардан уч нафари Буюк британиялик, яна бири эса колумбиялик эканини билдирган. Уларга ҳеч қандай зиён етказилмаган.

Манбада келтирилишича, жангарилар гаровдагиларни қўйиб юбориш эвазига икки миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули талаб қилганлар.

### Секин юрганга жарима

***Бирлашган Араб Амирликлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан йўл ҳаракатида юзага келаётган муаммолар юзасидан текшириш ишлари олиб борилди.***



Аниқланишича, бунга, асосан, ҳайдовчиларнинг автомобилни секин бошқариши сабаб бўлмоқда. Гарчи, йўлларда тезликни тартибга солувчи белгилар ўрнатилган бўлса-да, кўпчилик бунга риоя қилмаяпти. Шу боис белгиланган тезликдан секин ҳаракатланган ҳайдовчилар 200 араб дирҳами (54 АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортилиши маълум қилинди.

### Энг қиммат дам олиш масканлари

***"WealthBulletin" нашри кўҳна қитъанинг энг қиммат қишки дам олиш масканлари рўйхатини эълон қилди.***

Айтиш жоизки, унинг юқори поғоналарини, асосан, Франция ва Швейцариядаги масканлар эгаллаган. Жумладан, биринчи ўрин Франциянинг Куршевель курортига берилган. Унинг бир квадрат метр майдони 36,9 минг еврога баҳоланган. Кейинги ўринни Мерибель (Франция, 17,8 минг евро) банд этган. Учликка киритилган Швейцариянинг Сент-Мориц дам олиш масканида эса бир квадрат метр жой 17,1 минг еврога тушаркан.

Рейтингни тузишда асосий эътибор кўчмас мулкнинг қийматига қаратилди.

### Самолётлар ҳалокати

***Багама оролида унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради, дейилади "РИА Новости" ахборот агентлиги хабарида.***



"Piper Cherokee Six" деб номланган учоқ қулаган вақтда унинг бортидаги учувчи ва икки нафар йўловчи ҳалок бўлган. Ҳалокат сабаблари маълум эмас.

Айтиб ўтиш керак, худди шундай воқеа АҚШнинг Мичиган штатида ҳам юз берди. Бу кўнгилсизлик оқибатида учувчи ва йўловчи ҳаётдан кўз юмган.

### Дўппи тор келганда...

***Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида Латвия иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ ҳисобланаркан.***

"Eurostat" тарқатган маълумотга кўра, мазкур мамлакат аҳолисининг 26 фоизи қийин аҳволда кун кечиради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида бу ердаги аҳвол мураккаблашиб, бюджет тақчиллиги юзага келган. Натижада пенсия ва бошқа бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори кескин камайган. Иккинчи ўриндан жой олган Руминияда эса 23 фоиз аҳолининг ҳаёт кечириш тарзи жуда паст экан. Шунингдек, Болгария, Греция, Испания ҳамда Литвада ҳам аҳвол шунга яқин.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг 17 фоизи шу тоифага киритилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Илм-фан ва инновацион тараққиётнинг муҳим кўриниши бўлган нанотехнологиялар ҳаётимизга чуқур кириб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида замонавий фаннинг кўпгина бўлимлари "нано" қўшимчаси билан айтиладиган бўлади.***

***Нанотехнологияларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, унинг ютуқларидан мамлакатимиз илм-фани ва ишлаб чиқариш тармоғида фойдаланиш истиқболлари хусусида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими раҳбари муовини, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла САИДОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

## НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИННОВАЦИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

— Бугунги кунда ҳаётимизга тезлик билан кириб келаётган нанотехнология тушунчаси жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, турмушимиз фаровонлигини ошириш, ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган экологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди А. Саидов. — Чунки илм-фаннинг бундай кашфиётлари ноёб хусусиятларга эга янги метаматериаллар ва экстремал шароитларга чидамли наноматериаллар олиш ва уларни татбиқ этишга хизмат қилади. Шу боис жаҳонда нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва бу борадаги инновацион технологиялардан ҳаётда кенг фойдаланишга эътибор тобора кучаймоқда.

Масалан, компьютер технологиялари соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижасида квант информатикаси фани юзага келди. Ушбу соҳа наноўлчамли процессорларга эга бўлган квант компьютерларини яратиш ва улар учун дастурлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Квант компьютерларида бир бирлик ахборотни ёзиш учун битта ёки бир нечта атомдан фойдаланилади. Биз фойдаланаётган ҳозирги замон компьютерларида бу жараённи бажариш учун эса бир неча миллиард атом сарфланади. Демак, квант компьютерларида ҳисоблаш жараёнида ўз-ўзидан ўта юқори тезлик, ихчамлик ва самарадорлик ошади.

Нанотехнологиялардан тиббиёт соҳасида фойдаланиш ҳам муҳим кашфиётларга йўл очмоқда. Шу кунларда жаҳондаги етакчи илм-фан марказларида бу йўналишда яратилган дори капсулалари ва шприцлар синовдан ўтмоқда. Дори нанокапсулаларининг афзаллиги шундаки, улар тананинг соғлом қисмига салбий таъсир кўрсатмай, фақат касалланган ҳужайрага етиб боради.

Нанотехнологик ишланмалар ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларига кенг татбиқ этилмоқда. Кўпгина ривожланган давлатларда маҳсулот сифатини яхшилаш учун наноматериаллар қўлланилмоқда. Масалан, микробга қарши воситаларда ўз-ўзидан тозаланадиган матолар айнан наноматериаллар асосида яратилмоқда. Ёки протезлар тайёрлашда унинг бирикиш жойларини наноўлчамли кумуш зарралар билан қоплаш йўлга қўйилмоқда. Бу бактериялардан ҳимоя қилишда ёрдам беради. Нанотехнологияларнинг ривожланиши келгусида тиббиётни янада тараққий эттиришга хизмат қилади. Натижада касалликларнинг клиник симптомларини юзага чиқишдан олдин аниқлаш ва уни илк босқичлардаёқ безарар усуллар воситасида даволаш имконияти вужудга келади.

Нанотехнологияларнинг ривожланиши муқобил энергиядан фойдаланиш истиқболи учун ҳам муҳим асос бўлади. Чунки наноматериаллар асосида яратилган электр энергияси ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг самарадорлиги амалдагиларидан бир неча баробар ўсади.

Нанотехнология соҳасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари ҳам юксак натижалар бермоқда. Жаҳон илм-фанининг бундай ихтироларининг ютуқларини чуқур ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз илм-фан марказларида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида ўтган асрнинг 90-йилларида нанофизика соҳасида дастлабки илмий тадқиқотлар бошланган эди. Бу жабҳада олиб борилган илмий изланишлар натижасида наноматериаллар ёрдамида нурланувчи диодлар яратилди. Мустақиллик йилларида бу даргоҳда наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи таркибий асклантиришлар илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ушбу марказ Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган ёритиладиган электрон микроскоп билан жиҳозланди. Бу эса мутахассисларимизга наноматериаллар тасвирини олиш ва уларда кечаётган жараёнларни кузатиш имкониятини яратди.

Бундан қарийб ўн йил аввал ташкил этилган истиқболли тадқиқотлар лабораторияси бу жабҳадаги илмий ишларни янада жадаллаштириш имконини берди. Ҳозирги кунда ушбу лабораторияда ўттиз нафарга яқин олим илмий изланиш олиб бормоқда. Улар орасида фан докторлари, номзодлар, муҳандислар ва талабалар бор. 2007 йилда лаборатория ходимлари ўнта халқаро стипендия, грант ва мукофотларни олишга муваффақ бўлгани салмоқли ютуқларимизнинг далилидир. Хозирги пайтда ушбу лаборатория ходимларининг ўртача ёши 29 дан ошмайди.

Айни пайтда олимларимиз нанофизиканинг қатор долзарб масалалари юзасидан кенг кўламли илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Водород энергетикасининг олдида турган долзарб муаммолар, водород моддасини сув ёки бошқа суюқлик молекулалари орасида юзага келувчи наноқопқонларда сақлаш, нанотармоқлардан фойдаланишга асосланган термоэлектрик наноматериаллар яратиш, ахборот етказиш самарадорлиги ўта юқори наноўлчамли мезоскопик системаларга асосланган тармоқлар яратишга оид илмий лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар қисқа даврда амалий натижа бераётгани қувонарлидир. Нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узатгич, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш воситаси, синтез қилинган нурланувчи диодлар ана шундай муҳим кашфиётлар сирасига киради.

Мамлакатимизда қаттиқ жисмлар, атом ва молекуляр физика, ночизиқли динамика каби илм-фан мактабларининг анъаналарини ривожлантириш, илм-фан фаолиятини изчил такомиллаштириш учун яратилган кенг кўламли шароит замонавий нанофизика соҳасида ана шундай муҳим натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. Бу борада юртимиздаги бошқа илм-фан масканларида ҳам катта илмий салоҳият шаклланиб, изчил ривожланаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори илм-фан соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар кўламини янада кенгайтириш, янги ишланмаларни амалга изчил татбиқ этиш, жаҳон илм-фанининг янгиликларини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш учун зарур шароит яратишда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, илм-фан янгиликларини иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш мақсадида анъанавий инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилмоқда.

Илмий тадқиқот муассасалари олимлари бу борада яратилган шароитдан оқилона фойдаланиб, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар натижасини кенг намойиш этмоқда. Бундай тадбирлар нанотехнология соҳасидаги кашфиёт ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида бўлимимиз олимлари томонидан яратилган ўн бешга яқин ишланма намойиш этилди ва улар ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узатгичлар қуёш энергиясидан фойдаланиб, иссиқ сув ишлаб чиқариш коллекторлари чиқарадиган корхоналарда кенг қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб пойтахтимиздаги "Қурилишгелиосервис", "Роҳат автосервис" корхоналарини, "Тошкент-Зеннер" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини келтириш мумкин.

— Илгари ишлаб чиқариш жараёнида Россия ва Германиядан келтирилган иссиқлик узатгичлардан фойдаланар эдик. Бироқ бу воситалар қисқа муддатда ўз хусусиятини ўзгартириб, кутилган самарани бермасди, — дейди "Қурилишгелиосервис" корхонаси раҳбари Ғофир Икромов. — Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими олимлари томонидан тавсия этилган иссиқлик узатгичлар маҳаллий шароитга мослиги, чет элдаги аналогларидан арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Олимларимиз яратган янги восита совуқда ва жазирама иссиқда ҳам ўз хусусиятини ўзгартирмайди, ундан узоқ вақт фойдаланиш мумкин. Шу боис корхонамизда ишлаб чиқарилаётган қуёш энергияси асосида иссиқ сув ишлаб чиқарадиган қурилмаларнинг сифати яхшиланиб, харидоргирлиги ошиб бормоқда. Бундай қурилмаларимиздан кўплаб бино ва иншоотларни иситиш ҳамда иссиқ сув билан таъминлашда кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинатининг дам олиш базасида, Чимёндаги болалар соғломлаштириш мажмуасига ўрнатилган ана шундай қурилмаларимиз самарали ишламоқда.

Олимларимизнинг қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда фойдаланиладиган янги воситаси ҳам соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги бир қатор фермер хўжаликлари билан бу борада шартнома тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.

Яна бир муҳим ихтиро — кўп функцияли диагностика мажмуаси соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу борадаги ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда пойтахтимиздаги "Супрамед" ва "Ўзтибтехника" корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўз навбатида, Иссиқлик физикаси бўлими олимлари ва тадқиқотчилари инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III республика ярмаркасига ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу гал тўртта нанотехнологик ихтирони тақдим этиш режалаштирилаётир. Пахта ёғини тозалашда қўлланиладиган янги восита, бетон конструкция чиқарадиган заводларда қолипларни мойлашда ишлатиладиган янги ишланма, ўт ўчириш хизматида қўлланиладиган замонавий технологиялар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан мамлакатимизда нанотехнологияларни ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши бу йўналишдаги илмий ва амалий ишларни янада ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Бундай ишлар келгусида нанофан ва нанотехнологияларнинг фундаментал асосларини изчил ривожлантириш, унинг натижаларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг татбиқ этиш, жамият тараққиётини юксалтиришда ўз самараларини бериши, шубҳасиз.

**Баҳор ХИДИРОВА**
**ЎзА мухбири.**

---

***Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам қурилиш майдонлари тобора кенгайиб, янги-янги аҳоли пунктлари, ўқув юртлари, маиший хизмат объектлари барпо этилмоқда. Бахмал, Ғаллаорол ва Жиззах туманларида қурилаётган тураржой бинолари ва иншоотлар бунинг тасдиғидир.***

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### ҳажми Жиззах вилоятида тобора ошиб бормоқда

**Жараён**

Табиийки, ушбу объектларни зарур қурилиш ашёлари билан таъминлаш, хусусан, уларга пишиқ ва сифатли ғишт етказиб бериш муҳим масала ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар бунёд этилиб, мавжудлари тежамкор технологиялар билан жиҳозланаяпти. Натижада ишлаб чиқариш унумдорлиги ошиб, корхоналар манфаатдорлиги таъминланмоқда. Айтиш лозимки, ана шу саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

— Мамлакатимиз раҳбарининг бу қарори фаолиятимизни янада кучайтириш имконини бераяпти, — дейди "Ғаллаоролқурилиш транс" хусусий корхонаси раҳбари Рустам Сандибоев. — Оз маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Масалан, ўтган йили тумандаги Сарбозор касб-ҳунар коллежи қурилиши учун пишиқ ғишт етказиб бердик, қўшни туманлардаги "Мафтуна" ва "Мерос" қурилиш фирмаларини бир миллион донадан зиёдроқ ғишт билан таъминладик. Корхонамиз қарор асосида тўла реконструкция қилинса, ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, йилига 3 миллион дона сифатли ғишт ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Ҳозирда корхонамиздаги эски русумдаги 8 та печь ва 24 та ўтхона реконструкция қилинаяпти. Шу ўринда айтиш лозимки, Юртбошимизнинг мазкур қарорига биноан, 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча солиқлар, давлат мақсадли жамғармалари ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Бу эса, албатта, корхонамизнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Шунингдек, вилоятдаги ҳар минг дона ғишт ишлаб чиқариш учун 230-250 куб газ сарфлаётган "Ўсматғишт" ОАЖ, Жиззах туманидаги "Саодат илҳом", "Лабернум плюс" хусусий фирмалари, Жиззах шаҳридаги "Зенаткор ғишт" хусусий корхонасини реконструкциялаш ишлари бошлаб юборилди. Жиззах шаҳрида иш бошлаган "Қалия ғишт" ва Бахмал туманидаги "Сирли Самар" корхоналари қаторига реконструкция қилинаётган мазкур корхоналар қўшилса, табиийки, имкониятлар янада кенгаяди.

Қисқаси, Президентимизнинг қарори талаблари вилоятда ҳаётга изчил татбиқ этилиб, ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ва салмоғи оширилмоқда. Бу эса, тез орада вилоят қурилиш ташкилотлари ва аҳолисининг пишиқ ғиштга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконини беради.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

17R/1788

---

## СУҒУРТА КАФОЛАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

***Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Мана, Жондор туманида яшовчи Шаҳло Якубовани олиб кўринг. Кутилмаганда унинг қорамоли нобуд бўлиб қолди. Албатта, бу оила учун озмунча иқтисодий зиён эмас. Аммо Шаҳло опа ўзини йўқотиб қўймади. Қорамолини суғурталаб қўйгани ёдига тушди.***

— "Ўзагросуғурта" идорасидан келиб, "Қорамолингизни суғурта қиламиз", дейишганида, иккиланиброқ рози бўлгандим, — дейди у. — Энди ўйлаб қарасам тўғри қилган эканман. Ҳаром ўлган қорамолим учун 535 минг сўм миқдорида суғурта товони олдим.

Ромитан туманида яшовчи Собир Раҳимов, вобкентлик Суфия Элназарова, ғиждувонлик Гулчеҳра Зиёдова каби фуқаролар билан суҳбатлашганингизда ҳам худди шундай фикрларни эшитасиз.

— Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқароларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредит ҳисобидан сотиб олинадиган чорва молларини суғурталаш ишларини амалга ошириб бораяпмиз, — дейди "Ўзагросуғурта" ДАСК Бухоро вилояти маъмурияти бошлиғи Анвар Адилов. — 2009 йилда 144 та шундай турдаги суғурта шартномаси тузилиб, зиммамизга 277,2 миллион сўм миқдорида суғурта жавобгарлиги олинди ва 12,4 миллион сўм суғурта тушуми таъминланди. Турли сабаблар туфайли қорамоли нобуд бўлган фуқароларга 2,1 миллион сўм миқдорида суғурта товони тўлаб берилди.

Ҳозир "Ўзагросуғурта" маъмурияти ва унинг жойлардаги бўлинмалари қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда

**Хизмат**

аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари қорамолларини турли табиий офат ва касалликлар оқибатида нобуд бўлишдан ёки мажбуран сўйишдан суғурталаш қамровини янада кенгайтириш саъй-ҳаракатидалар. Чунончи, бугунги кунгача аҳоли чорва молларини суғурталаш бўйича 5650 тадан зиёд шартнома тузилди.

Сирасини айтганда, суғурталашнинг афзал жиҳатлари кўп. Ғиждувон туманидаги "Сайфуллобобо — 2000", "Бунёдкор — 2000", "Нишон" сингари фермер хўжаликлари бунга 2009 йилги фаолиятлари мисолида ишонч ҳосил қилишди. Гап шундаки, мазкур хўжаликларда баҳорнинг серёғин келиши оқибатида тўлиқ кўчат ундириш имкони бўлмади. Кутилган миқдорда пахта етиштирилмади. "Ҳайт" деган туяга мадад деганларидек, фермерлар жонига пахта кам ҳосиллиги суғуртаси оро кирди. Биргина "Нишон" фермер хўжалигига 1451,3 минг сўм миқдорида суғурта қопламаси тўлаб берилди.

Яна бир маълумот. Агар фермер хўжаликларининг 2008 йил пахта кам ҳосиллиги суғуртасидан 35,4 миллион сўм суғурта қопламаси тўланган бўлса, 2009 йилги шу турдаги суғурта бўйича бу сумма 100 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Синчиклаб разм солсангиз, ҳозир суғурта хизмати кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Агросуғуртачилар аҳоли иморатлари, уй-рўзғор буюмларини, транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини, фуқаролар, жумладан, мактаб ўқувчиларини турли бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш юмушларини ҳам олиб боришаяпти. Нохуш ҳолатлар юз берганда суғурта товонлари тўлаб берилмоқда. Мавжуд 27 та суғурта шохобчаси орқали аҳолига сифатли, тезкор суғурта хизмати кўрсатиш тадбирлари кўрилаяпти. Корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларини тўлиқ суғуртавий ҳимояга олиш ишлари яхши натижа бермоқда.

— Фаолиятимизни кенгайтириш, суғурта портфели таркибини яхшилаш суғурта бозоридаги мавқеимизни янада мустаҳкамлашга интилаяпмиз, — дейди А. Адилов. — 2009 йилда маъмуриятимиз томонидан аҳоли, корхона ва ташкилотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 2,5 миллиард сўмлик суғурта хизматлари кўрсатилди. Бу 2008 йилдагига нисбатан 837,2 миллион сўмга кўпдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

*Бизнесда муаммолар борми?*
*Қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари рўй бермоқдами?*
*Маслаҳат керакми?*

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоатчилик кенгашига мурожаат қилинг!*

*Жамоатчилик кенгаши телефони: (+99871) 150-60-05.*
*Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!*

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «Call-center»: (+99871) 150-60-06.*

*«24 соат маслаҳат хизмати»: (8-800) 120-04-04 (барча қўнғироқлар бепул).*

*Манзил:*
*100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.*
*E-mail: info@chamber.uz,*
*web-site: www.chamber.uz*

42R/1556

**Оила — ҳар биримиз камолга етадиган, фарзандларимиз ўсиб-улғаядиган муқаддас даргоҳ. Унда инсон камолоти учун зарур бўлган барча омиллар мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама равнақ топтириш масаласига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда дастуриламал бўлмоқда.**

# ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## фарзандларимизнинг баркамол вояга етишида муҳим аҳамиятга эга

Мазкур ҳужжатга биноан, ҳозирда 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётир.

Оила ҳақида гап кетар экан, унга тааллуқли ҳар бир масала муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, оилаларнинг тинч-тотувлигини олиб кўрайлик. Зеро, оила тотувлиги юрт тараққиёти, фаровонлиги учун муҳимдир.

Ўзини Нигора деб таништирган қизнинг ёши ўн тўртда. Ота-онасининг жанжалларидан безиган қиз мактабдаги ўқишини ташлаб, бозорга мева сотгани чиқади. Бозордаги жисмоний зўриқиш ва руҳий тушкунлик туфайли у соғлиғидан айрилади. Энг ёмони, яшашга бўлган қизиқиши, интилиши сусаяди. Ота-она бу ҳолатни англаганида, анча кеч бўлган эди...

— Оиланинг тинч-тотувлиги, аввало, ўша хонадондаги соғлом муҳитга боғлиқ, — дейди болалар шифокори Зебо Жўраева. — Оилада соғлом муҳитни шакллантириш деганда, ота-она ўртасидаги тотувлик, оила аъзоларининг бир-бирига ҳурмати тушунилади. Зеро, катталар ўртасидаги меҳр-муҳаббат фарзандлар тарбиясига, соғлиғига жуда катта таъсир кўрсатади. Уларнинг ўзаро жанжали ёки арзимас тортишуви натижасида оиланинг бошқа аъзолари, айниқса, болалар руҳан азият чекишади. Ана шу руҳий азоб ва тушкунлик болаларни қўрқоқ қилиб қўяди. Бу ҳақда мутахассислар кўп гапиришган. Шу маънода, фарзандларимизнинг баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун ҳар биримиз масъулмиз.

Дарҳақиқат, болаларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан бақувват бўлиб камол топиши оиладаги соғлом муҳитга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

### Мушоҳада

— Маҳалламизда ушбу вазифаларни амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Миробод туманидаги Баҳор маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Сидиқова. — Айни пайтда маҳалламизда тўрт минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улардан қарийб тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис маҳалламизда аёлларнинг яшаш шароити ва ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётир. Мисол учун, жорий йилда маҳалла ҳудудида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари, касб-ҳунар курслари ташкил этилди. Бу аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширади. Зеро, ёш оила аъзолари фойдали машғулот билан банд бўлса, ҳам оиланинг, ҳам маҳалланинг тинч-осойишталигига путур етмайди.

Шу ўринда суҳбатдошимиз аҳолининг, айниқса, аёлларнинг саломатлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги 3-сонли оилавий поликлиника мутасаддилари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганини ҳамда ҳар бир хонадонга малакали шифокор ва ҳамширалар бириктирилганини алоҳида тилга олди.

Эътироф этиш керак, ҳозирда ҳукуматимиз томонидан оилаларда соғлом муҳитни юзага келтириш, соғлом авлод туғилишига эришиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиш тартиби такомиллаштирилди ва уларга қулай шароитлар яратилди. Яъни, кодекснинг 17-моддаси эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўз розилиги билан ўтказилади, деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Албатта, бундай чора-тадбирлар замирида оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги мужассам. Бироқ сир эмас, бундай тартиб-қоидаларга риоя этмасдан, ўз ҳаётига жиддий ёндашмаётган айрим ҳамюртларимизнинг ҳам борлиги ташвишланарлидир.

— Тўғри, тиббий кўрикдан таниш-билиш орқали ўтаётганлар орамизда, кам бўлса-да, учрайди, — дейди гинеколог Ландиш Исанбоева. — Аммо улар бу орқали, биринчи навбатда, ўзларига катта зарар келтиришмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш ҳамда уларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларнинг амалдаги ижроси, айтиш жоиз, 2010 йил — Баркамол авлод йилида изчил таъминланади. Зеро, оила — муқаддас экан, унинг келажаги, мустаҳкамлиги учун ҳар биримиз масъулмиз.

**Зиёда АШУРОВА.**

Спорт • Sport • Спорт



**Бундан беш йил муқаддам мамлакатимиздаги Шарқ яккакурашлари федерациялари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, уларни бириктириш, жойларда оммавийлигини таъминлаш мақсадида Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ташкил этилган эди.**

# ШАРҚ ЯККАКУРАШЛАРИ

## бугунги кунда тобора оммавийлашиб бормоқда

Ўтган давр мобайнида марказимиз томонидан мураббий ва спортчилар малакасини ошириш мақсадида ўнлаб семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказилди. Аҳамиятлиси, амалга оширилаётган ибратли ишлар ўз самарасини бера бошлади. Ташкилотимиз Бутунжаҳон жанг санъати турлари ассоциацияси — IMGCга расман аъзо бўлди. Бугунги кунда марказга йигирмадан ортиқ федерациялар бирлашган. Ушбу федерациялар қошидаги тўгаракларда 250 мингдан ортиқ ёшлар машғулотларда иштирок этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, шарқ яккакурашлари дунёда оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Чунки яккакурашлар техникаси, чиройли усуллари билан кишиларни доимо ўзига жалб этиб келган.

Албатта, ҳар бир халқ ўз миллий спорт турини дунёга чиқаришга ҳаракат қилади. Масалан, японияликлар дзюдо, хитойликлар каратэ, Жанубий кореяликлар таэквондо, бразилияликлар капуэро, францияликлар сават каби миллий яккакураш спорт турлари билан хақли равишда фахрланадилар.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан халқаро спорт тури сифатида эътироф этилган кураш дунёда жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Айни пайтда жаҳондаги юздан ортиқ мамлакатларда кураш бўйича федерациялар фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Мутахассислар яқинда халқаро спорт тури мақомини олган "Ўзбек жанг санъати" ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдиришмоқда. Марказимиз, биринчи навбатда, ўз миллий спорт турларимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Маълумки, спортда оммавийликка эришилса, ютуқлар ўз-ўзидан кўпаяверади. 2009 йилнинг август ойида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтган III Бутунжаҳон жанговар спорт турлари фестивалида эришилган натижалар салмоқли бўлди. Вакилларимиз, айниқса, таэквондо, каратэ ва муайтай бўйича мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдилар. Шу ўринда, муайтай бўйича терма жамоамиз аъзолари иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ярим финалда муайтай ватани — Таиланд спортчиларини енгишга муваффақ бўлишди. Энг муҳими, фестивалда қатнашган деярли барча муайтайчиларимиз финалга йўлланма олишди.

28 октябрь — 8 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотларда ўтказилган III Осиё ўйинларида ҳам яхши натижаларга эришдик. Мазкур нуфузли мусобақада қитъанинг 43 мамлакатидан келган 2500 нафардан ортиқ иштирокчи йигирмадан ортиқ спорт тури бўйича ўзаро куч синашди.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, ўзбекистонлик спортчилар Осиё қитъасининг ушбу нуфузли мусобақасида ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этишди. Хабарингиз бор, Осиё ўйинларида 84 нафар вакилимиз боулинг, кикбоксинг, кураш, енгил атлетика, муайтай, пенчак-силат, сузиш, спорт рақслари, стритбол, футзал, шахмат ва компьютер ўйинлари каби 12 та спорт тури бўйича беллашувларда қатнашдилар. Айни пайтда мусобақа дастуридаги ўндан ортиқ спорт турида вакилларимиз умуман иштирок этишмади. Лекин шунга қарамай, юртдошларимиз 5 та олтин, 9 та кумуш ва 10 та бронза (жами 24 та) медални қўлга киритиб, норасмий умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан жой олишди. Бундан уч йил муқаддам Макао давлати мезбонлик қилган ёпиқ иншоотлардаги II Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз бор-йўғи 2 тадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишган эди.

2010 йилда ҳам спортчиларимиз бир қатор нуфузли мусобақаларда иштирок этишади. Насиб қилса, ютуқларимиз янада салмоқли бўлади.

**Сардор ТОШХЎЖАЕВ,**
**Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати марказининг ташкилий ишлар бўлими бошлиғи.**

### Бурж

***Шу кунларда об-ҳаводаги ўзгаришлардан илғаш мумкинки, катта чилла ўз ўрнини кичик чиллага бўшатиб бермоқда. Одатда, биласиз, кичик чилла қор ва аёзли изғиринлар билан дохил бўлади.***

# КИЧИК ЧИЛЛА

## ёхуд далв ойининг об-ҳавоси хусусида

Маълумки, жорий йилда чилла нисбатан илиқ келди. Яъни жаъдий ойи аввалги йиллардагига нисбатан совуқ бўлмади. Қуёш далв буржига оғгач, ҳаво алмашинуви кузатилди: қор ёғиб, ҳарорат пасайди.

Далв, ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, ўн биринчи ой саналиб, 19 январдан 18 февралгача бўлган даврни ўз ичига олади. У, айниқса, ўзининг совуқ ҳавоси билан ажралиб туради. Кўп йиллик кузатишларга қараганда, ўртача ёғингарчилик миқдори 43-45 миллиметрни ташкил этади. Баъзи йиллари бу миқдор ундан ҳам ортиб, изғиринли шамолларга бой бўлади. Кексаларнинг айтишича, бундай ҳолат саратон ҳавоси билан боғлиқ. Гап шундаки, ёзнинг ушбу ойида иссиқ ҳарорат кузатилган бўлса, қишнинг чилласи қаттиқ совуқ билан ўтади. У тўқсоннинг ярмигача, яъни 7 февралга қадар давом этиши мумкин. Шундан сўнг кунлар иссиқлик сари юз тутаверади: қор ёғса-да, совуқ забтига ололмайди. Нега деганда, бу пайтга келиб, қантар оғади. Халқ мақолида айтилганидек, "Қантар оғса, қор турмас".

Далвнинг учинчи ўн кунлигида эса офтоб тафти таъсирида заминдан бамисоли тутундек буғ кўтарилади. Ер остидаги ҳарорат юзага уради-да. Шу тариқа табиат уйғона бошлайди. Халқимизнинг "Далв кирди — давр кирди" мақолида ана шунга ишора қилинган, албатта.

Нисбатан об-ҳаво илиқ келган йилларда далв ойи охирига бориб, қирадирлар сабзаранг тусга киради. Офтобрўй жойларда бойчечак ва бошқа митти гуллар очилади. Дарахтлар танасига сув югуриб, тол ва теракларнинг куртаги бўрта бошлайди. Баъзи йилларда, ҳатто, бодом ва ўрикнинг гуллаши ҳам рўй берган.

Бу пайтга келиб, кунлар анча узаяди. Чунки ой кириши билан кун 4-5 дақиқадан узайишда давом этади.

Яна шуниям айтиб ўтиш керакки, далвнинг қуёшли кунларига унчалик ишониб бўлмайди. Зеро, тўқсоннинг турланиши ҳеч кимга сир эмас. Об-ҳаво илиқ келса ҳам, далв барибир қишнинг ҳукмида қолади. Қиш қишлигини қилади-да.

**Р. САИДОВ тайёрлади.**

# ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Университетимиздаги 7 та факультетда 4,5 мингдан зиёд талаба таълим-тарбия олмоқда, — дейди университет ректори, профессор Улуғбек Тошкенбоев. — Уларга 310 нафардан иборат турли тоифадаги ўқитувчилар, ўнлаб фан номзодларию фан докторлари сабоқ беришаётир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли талабаларимиз яхши натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Биргина мисол: тарих факультети талабаси Лобар Хўжанова ва табиатшунослик факультети талабаси Азиз Абдураимов олий ўқув юртлари талабалари учун таъсис этилган нуфузли стипендиялар соҳиби бўлишди. Қолаверса, фаол, фидойи ва изланувчан талабаларимиз кўп.

Айтиш лозимки, университетда талабаларнинг етакчилик қобилиятини юзага чиқариш масаласига ҳам катта эътибор берилаётир. Бу борада, айниқса, Фаоллар мактаби катта наф бераётганлигини айтиш зарур. Ушбу мактабга аъзо бўлган талабалар таниқли адабиёт ва санъат арбоблари, олий ўқув юртларининг декан ва ректорлари иштирокидаги йиғинларда қатнашиб, раҳбарлик қобилиятларини шакллантирмоқдалар.

Шунингдек, университет қошида Минтақавий тадқиқот маркази ташкил этилган. Унга биология фанлари номзоди Ҳабиб Қўшшаев раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда талабалар воҳанинг мелиоратив ҳолати, шўрга чидамли буғдой ва пахта уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Яқинда улар ғалла зангига қарши ишлатиладиган восита ишлаб чиқариб, синовдан ўтказишди. Ушбу восита ғаллани зангдан сақлайди ҳамда ўсимлик ривожланишини таъминлайди. Дарвоқе, университет жамоаси ушбу препарат билан "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган ярмаркада қатнашиб, 20 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Табиийки, университет жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда хорижий ўқув юртлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг салмоқли ҳиссаси бор. Жумладан, Франция, Испания, Япония, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари давлатларининг бир қатор олий ўқув юртлари билан тажриба алмашиб келинмоқда.



— Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши мамлакатимиз ёшларини, шу жумладан, барча талабаларни бениҳоя қувонтирди, — дейди табиатшунослик факультети талабаси Руҳшона Кубаева. — Албатта, биз ушбу ғамхўрликка жавобан янада фаол, чуқур билимли, етук мутахассис бўлишга бор кучимизни сарфлаймиз. Зеро, мамлакатимизнинг порлоқ истиқболи билимли ҳамда салоҳиятли ёшлар қўлидадир.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

***Хорижий валюталарни божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринувчилар мамлакатимизда валюта бозорини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларимизга салбий таъсир ўтказишлари ҳақида ўйлаб ўтирмайдилар.***

Чунки уларни ислоҳотлар самараси эмас, балки мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради. Республикамиз божхоначилари эса нақд валютани олиб ўтиш билан боғлиқ амалдаги тартиб ва меъёрларни бузган шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйишмоқда.

### Божхона бекати

Россия Федерациясига учиб кетаётган И. Муртазин авиачиптасида кўрсатилган йўналиш бўйича вақтида парвоз қила олмади. Сабаби у 4450 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан яширинча олиб чиқишга уринганида "Тошкент" халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

"Тошкент — Истамбул" йўналишида сафарга отланган фуқаро Т. Умаров ҳам 5 минг АҚШ долларини ноқонуний олиб чиқишга уринмаганида кўзланган манзилига вақтида етган бўларди.

Фуқаро С. Жўраевнинг "Москва — Наманган" йўналишидаги парвози ҳам кўнгилдагидек якун топмади. Бунга ўзи сабабчи бўлди. Чунки у 7038 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан, оғзаки сўров пайтида маълум қилмасдан олиб ўтишга уринган эди.

Дубайга отланган С. Салиҳов эса "Тошкент" халқаро аэропортида божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уринди. У оғзаки ва ёзма равишда сир тутган 8400 АҚШ долларини жомадонига бекитганча олиб чиқаётган пайтда сири фош бўлди.

Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2009 йил мобайнида божхоначиларимиз томонидан нақд хорижий валюталарнинг, хусусан, АҚШ долларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 2300 га яқин ҳолатлар фош этилган.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати инспектори.**


*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

***иссиқ тутадиган камуфляж шимлар, ип газлама камуфляж дала панамалари, ип газлама ич кийимлар, «қум» рангли ип газлама трикотаж майкалар, «қум» рангли камуфляж икки бармоқли қўлқоплар, ип газлама трусиклар, ип газлама сочиқлар, дастрўмоллар, ёқа устидан тақиладиган ип газлама ёқачалар, ҳарбий хизматчилар учун пайпоқлар, ёстиқ жилдлари, чойшаблар, бир кишилик пахтали матрас, пахтали ёстиқ, фурнитура, кир ювиш кукуни.***

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

***Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 25 январь соат 17.00 гача.***

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

37R/52

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25


Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти жамоаси Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси раиси Шомурот Муҳамеджоновга волидаи муҳтарамаси

**МУКАРРАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси жамоаси компания бош директори Қамбарали Эшонқуловга акаси

**Акбарали ЭШОНҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фахрий темирйўлчи

**Николай Ионович СИЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ОБ-ҲАВО (20 январь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Тунда 5-10 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Айрим жойларда ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 4-6 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.33 Топширилди — 22.20 12[illegible]5